

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 29 октябрь, № 234 (8296) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ДАВР

**Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель 27 октябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрди.**



28 октябрь куни олий мартабали меҳмон "Янги Ўзбекистон" боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

"Кўксарой" қароргоҳида Шарль Мишелни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Улар биргаликда суратга тушди.

Сўнг олий даражадаги музокаралар бошланди.

Учрашувда кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиздаги демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислоҳотларни, энг аввало, инновациялар, "яшил иқтисодиёт", рақамлаштириш соҳаларида амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги биргаликдаги ишларни давом эттириш юзасидан келишувга эришилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон томонидан "Марказий Осиё — ЕИ" форматидаги саммитда илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни рўёбга чиқариш бўйича "Йўл харитаси"ни тайёрлаш масаласи келишиб олинди.

Учрашув натижалари бўйича Президент Шавкат Мирзиёев ва Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг матбуот учун қўшма баёноти қабул қилинди.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган музокаралар чоғида Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Шарль Мишель кейинги йилларда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилгани ва кенг кўламли тус олганини тасдиқладилар.

Томонлар Европа Иттифоқининг Ўзбекистон ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларни ва ҳудудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишини олқишладилар.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги муносабатларга янги суръат бағишлаш ва уларни янада чуқурлаштириш мақсадида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишга келишиб олинди.

Икки томонлама ва ҳудудлараро ҳамкорлик учун яратилган қўшма механизмлар сермаҳсул ишлаётгани ижобий баҳоланди. Уларнинг салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида биргаликда ҳаракат қилишга тайёрлик билдирилди.

Томонлар Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очадиган, сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик ва инсон капитали йўналишларидаги масалаларнинг кенг доираси бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим дастлабки босқичда имзоланганини олқишладилар.

Президентлар ушбу муҳим ҳужжат имкон қадар тез фурсатда имзоланиши ва ратификация қилинишига умид билдирдилар.

Томонлар халқаро ишларда ва икки томонлама муносабатларда БМТ Устави ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф қилинган нормаларига қатъий риоя қилишларини, ҳамкорликни тенг ҳуқуқлилик, ўзаро англашув ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш тамойиллари асосида қўллаб-қувватлашлари ва ривожлантиришларини таъкидладилар.

Европа Иттифоқи томони Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатини қатъий қўллаб-қувватлашини, улар барқарор бўлиши ва ортга қайтмаслигига умид билдирди.

Президентлар инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлиги соҳасидаги конструктив мулоқот ва фаол ҳамкорликни юксак баҳоладилар. Ўзбекистон ва ЕИнинг бу борадаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга бундан буён ҳам кўмаклашишга томонлар қатъий интиладилар.

Европа кенгаши Президенти Ўзбекистон раҳбариятининг гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар, ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибори ортиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади ҳамда ЕИ ушбу соҳалардаги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмакни давом эттиришга тайёрлигини билдирди. Европа Иттифоқи инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ ҳурмат қилиш муҳимлигини қайд этди.

ЕИ компанияларидан Ўзбекистонга тўғридан-тўғри инвестициялар, энг янги технологиялар, илғор тажриба ва юксак стандартларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида иқтисодиёт, савдо ва инвестициялар соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини олқишладилар. Ўтган йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга "GSP+" тизимининг бенефициар мамлакати мақоми берилиб, ўзбек маҳсулотларининг кенг номенклатураси ЕИ мамлакатларига божсиз етказиб берилишига имконият яратилгани бу борада муҳим қадам бўлди.

Томонлар ЕИнинг Марказий Осиё бўйича стратегияси бажарилишини жадаллаштириш мақсадида биргаликда чора кўриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратдилар ҳамда 2022 йил 18 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида "ЕИ — Марказий Осиё" форматида ўзаро боғлиқлик бўйича "Барқарор тараққиёт учун "Глобал дарвоза" конференциясининг ўтказилишини олқишладилар.

Ўзбекистон томони конференцияда ҳамкорликнинг устувор соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинишини таклиф этишга тайёр.

Барқарор транспорт йўлакларини яратиш, шу жумладан, Транскаспий мультимодал маршрутини ривожлантириш ўзаро савдони кўпайтириш учун тизимли омил сифатида белгиланди.

Президентлар портларнинг қувватларини ошириш, паром ва темир йўл паркларини кенгайтириш, божхона тартиб-таомилларини уйғунлаштириш, юклар билан ишлаш ва чегаралардан ўтиш учун рақамли ечимларни жорий қилиш муҳимлигини қайд этдилар. Бундай лойиҳаларни амалга ошириш ЕИнинг "Глобал дарвоза" ташаббуси мақсад ва вазифаларига тўлиқ мосдир.

Ўзбекистон томони ўзаро боғлиқликни чуқурлаштиришга хизмат қиладиган Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини қуриш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон томони хорижий, шу жумладан, ЕИ компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб қилиш учун зарур шароитлар яратишга тайёрлигини билдирди.

Томонлар Ўзбекистон учун 2021 — 2027 йилларга мўлжалланган ЕИнинг молиявий-техник кўмагига доир кўп йиллик индикатив дастури тасдиқланган ва амалга оширилиши бошланганини олқишладилар.

Улар рақамлаштириш, "яшил иқтисодиёт", энергетик самарадорлик ва сувдан фойдаланиш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мавжуд салмоқли салоҳиятдан фойдаланиш, шу жумладан, Европанинг илғор тажрибасини жорий қилиш ва ушбу соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлигини қайд этдилар.

Ўзбекистоннинг сув-экология масалалари, шу жумладан, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этиш борасидаги ташаббусларини доимо қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Европа Иттифоқига миннатдорлик билдирилди. Унинг фаолиятини давом эттириш муҳимлиги борасида томонларнинг фикри якдил.

Таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорликни, шу жумладан, "Erasmus+" ва "Horizon Europe" дастурлари салоҳиятидан фойдаланган ҳолда чуқурлаштириш муҳим экани таъкидланди. Томонлар касбий таълим бўйича "DARYA" биринчи минтақавий лойиҳанинг амалга оширилишини олқишладилар.

Ўзбекистон томони 2023 йилда Ўзбекистонда "ЕИ — Марказий Осиё" биринчи туризм форумини ўтказишни таклиф қилди.

Минтақавий ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Марказий Осиёда ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу маънода, Афғонистоннинг минтақавий ва халқаро хавфсизликка сурункали таҳдидлар манбаига айланишига йўл қўймаслик зарурлиги айтилди.

Қиш даврида яқинлашиб келаётган гуманитар фалокатнинг олдини олиш, жумладан, афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш хавотир уйғотаётган биринчи галдаги масала сифатида қайд этилди.

Томонларнинг ўзаро мажбуриятларини бажариш алгоритмини тезда келишиш мақсадида Ўзбекистон томони ўзининг Афғонистон муваққат ҳукумати билан музокаралар олиб бориш учун халқаро гуруҳ тузиш ташаббусини алоҳида таъкидлади.

Узоқ муддатли барқарорликка эришиш учун Афғонистонда инклюзив сиёсий жараённи ҳамда инсон, шу жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш зарурлиги юзасидан муштарак фикрлар билдирилди.

Якунда Президентлар Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги очиқ ва конструктив мулоқотни ва шерикликни мустаҳкамлашга, шунингдек, Марказий Осиёни тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт минтақасига айлантириш мақсадида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва халқаро ҳуқуқнинг асосий нормаларига риоя қилиш принциплари асосида минтақавий кооперация ва ўзаро боғлиқликни янада кенгайтиришга кўмаклашишга интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида "Кўксарой" қароргоҳининг Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экди.

Ушбу эзгу анъана Ўзбекистон — ЕИ муносабатларини янада чуқурлаштиришга қаратилган олий даражадаги музокараларнинг натижаларини мустаҳкамлайди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# ТОШКЕНТДА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ ОФИСИ ОЧИЛДИ

**28 октябрь куни Тошкентда ЕИ делегациясининг Ўзбекистондаги офиси очилиши маросимида иштирок этган Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель давлатимиз раҳбари билан самарали ва конструктив музокара бўлиб ўтганини таъкидлади.**

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатини юксак баҳолади. Унинг таъбирича, Ўзбекистон раҳбарининг ислоҳотларни давом эттириш йўлидаги қатъий сиёсий иродаси алоҳида эътиборга лойиқ. Иқтисодиётни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва демократияни чуқурлаштириш соҳаларида катта натижаларга эришилган.

— Биз инсон ҳуқуқлари масаласини муҳокама қилдик, Ўзбекистон Президенти қонун устуворлигини мустаҳкамлашга доир саъй-ҳаракатларни давом эттиришга тайёр эканини билдирди, — деди Ш. Мишель.

Президентимизнинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги ролини алоҳида таъкидларкан, "Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо ва кооперация алоқаларини кенгайтириш борасидаги кўплаб ташаббус ва ғоялар муаллифидир", дея қўшимча қилди у.

Европа кенгаши раҳбари Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракати туфайли Ўзбекистон янги қиёфага эга бўлгани, ЕИнинг минтақадаги энг жозибали ва асосий шеригига айланганини таъкидлади. Муносабатларни янада чуқурлаштириш, тез орада кенг кўламли шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолашга келишиб олинди.

Ўзбекистонда ноябрь ойида яна бир муҳим анжуман — ўзаро боғлиқлик бўйича "Барқарор тараққиёт учун "Глобал дарвоза" конференцияси бўлиб ўтади. Бу минтақалараро ҳамкорликнинг жорий ҳолатини муҳокама қилиш, умумий манфаатли барча масалалар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун муҳим платформа вазифасини ўтайди.

Европа кенгаши Президенти таъкидлашича, мулоқот давомида Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш ва Украинадаги низонинг салбий таъсири тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Тадбир якунида Ш. Мишель Тошкентдаги ЕИ делегацияси икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Президенти билан учрашувда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллашини таъкидлади.

Шу куни Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель Самарқанд шаҳрининг тарихий-меъморий обидалари билан танишди. Жумладан, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Амир Темур мақбараси ва Регистон майдонини томоша қилди. Яқинда очилган "Буюк Ипак йўли" халқаро туристик марказидаги "Боқий шаҳар" мажмуасида бўлди.

Шу билан Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг мамлакатимизга ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель:

# БИЗ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ РОЛИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАЙМИЗ

*"Кўксарой" қароргоҳида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар якунлангач, Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Владимир Норов ҳамроҳлигида Европа Иттифоқи делегациясининг Тошкентдаги янги офисининг очилиш маросимида иштирок этди.*

## Эксклюзив интервью

Юқори мартабали меҳмон тадбир доирасида "Дунё" АА мухбирига интервью берди:

— Бугун Ўзбекистон Президенти билан учрашув чоғида Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очадиган, сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик ва инсоний ўлчовлар соҳаларидаги кенг кўламли масалалар бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг парафилланганини олқишладик.

Биз Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги ролини юқори баҳолаймиз. Ўзаро боғлиқликни муҳим деб ҳисоблаймиз ва келгусида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан мунтазам равишда учрашиб, ўзаро боғлиқлик, "яшил иқтисодиёт" ва барқарорлик масалаларини биргаликда муҳокама қилишни режалаштирганмиз. Бундай мазмундаги мунтазам учрашувлар ўзаро англашувни яхшилашга ёрдам беради.

Кеча биз ЕИ ва Марказий Осиё ҳамкорлиги масалаларига бағишланган анжуман ўтказдик. Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар катта ҳажмдаги табиий ресурсларга эга ва географик жойлашуви нуқтаи назаридан Европа ва Осиё ўртасидаги кўприкдир. Халқларимиз манфаатлари йўлида барқарорликка эришиш учун янада кўпроқ ишлар қилишимиз мумкин, деб биламан.

Яқин кунларда Самарқандда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтади. Ушбу конференцияда биз "яшил" ва рақамли иқтисодиёт соҳасида аниқ таклифларни тақдим этамиз.

**«Дунё» АА.**

## Анжуман

# САМАРҚАНДДА МДҲ ИШТИРОКЧИ ДАВЛАТЛАРИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АССАМБЛЕЯСИНИНГ 54-ЯЛПИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

*Самарқанд шаҳри мезбонлик қилган МДҲ иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг 54-ялпи мажлисини мазкур тузилма раиси В. Матвиенко очар экан, Ўзбекистон 4 йил аввал МДҲ ПА тўғрисидаги конвенцияга қўшилганини, мамлакат қонун чиқарувчилари Ассамблея фаолиятида фаол иштирок этиб келаётганлигини таъкидлади. Айни чоғда у Парламентлараро Ассамблеянинг биринчи сайёр сессиясини ташкил қилгани ҳамда юқори савияда ўтказгани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди.*

→3

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 14 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси тасдиқлансин.

**2-модда.** Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»**ги 161–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»**ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида»**ги 367–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 65-модда) **2-банди**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 621–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 102-модда) **I бўлимининг 12-банди**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 681–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 181-модда) **XIV бўлими**;

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

6) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 729–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 20-модда) **XII бўлими**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган **«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»**ги 760–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 112-модда) **3-бандининг иккинчи кичик банди**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 772–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда) **XII бўлими**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 832–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 229-модда) **XIV бўлими**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 220–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 89-модда) **VIII бўлими**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 271–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 182-модда) **IV бўлими**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 320–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 20-модда) **VII бўлими**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 405–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 165-модда) **VI бўлими**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–8-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) **2-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–238-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда) **8-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–239-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 471-модда) **1-моддаси**;

17) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–272-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 472-модда) **2-моддаси**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–329-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 9/1, 238-модда) **1-моддаси**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **13-моддаси**;

20) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–355-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **9-моддаси**;

21) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–365-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) **9-моддаси**;

22) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **8-моддаси**;

23) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–405-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 125-модда) **8-моддаси**;

24) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–416-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 383-модда) **11-моддаси**;

25) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **25-моддаси**;

26) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–448-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 10, 605-модда) **6-моддаси**;

27) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январда қабул қилинган **«Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–456-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 1-модда) **10-моддаси**;

28) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–459-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 4-модда) **4-моддаси**;

29) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **16-моддаси**;

30) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган **«Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **15-моддаси**;

31) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган **«Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–501-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 677-модда) **30-моддасининг 2-банди**;

32) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–514-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 3-модда) **4-моддаси**;

33) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 февралда қабул қилинган **«Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги баъзи давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–522-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда) **17-моддаси**;

34) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган **«Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–536-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 261-модда) **7-моддаси**;

35) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–542-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 267-модда) **11-моддаси**;

36) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–586-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 880-модда) **21-моддаси**;

37) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 сентябрда қабул қилинган **«Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–638-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 539-модда) **3-моддаси**;

38) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–640-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 593-модда) **5-моддаси**;

39) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган **«Аҳоли бандлиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–642-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда) **120-моддасининг 1-банди**;

40) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–653-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 12, 691-модда) **7-моддаси**;

41) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **56-моддаси**;

42) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 2 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–705-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 8, 797-модда) **1-моддаси**.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Кодекснинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини Кодексга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари Кодексга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 октябрь
№ ЎРҚ—789

# ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТГА САЛМОҚЛИ ҲИССА

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг 27 октябрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" саммитидаги иштироки ва Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг 28 октябрь куни Тошкентга ташрифи халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан фаол муҳокама қилинмоқда.*

*Таҳлилчилар фикрига кўра, ушбу муҳим воқеалар Европа Иттифоқининг Ўзбекистон ва Марказий Осиё билан алоқалари ҳамда минтақалараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишини яққол намоён этмоқда. Экспертлар Европа томони Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатини қатъий қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлагани олий даражадаги музокараларнинг муҳим якуни бўлди, деб ҳисоблашмоқда.*

## Дунё нигоҳи

**Хорхе МЕСТРЕ,**
**БМТ илмий-тадқиқот институти ва Европа университетининг халқаро муносабатларни ривожлантириш дастури директори (Испания):**



— Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўсиб бораётган динамикаси икки минтақа стратегик ҳамкорлик учун салмоқли салоҳиятга эгалигини кўрсатмоқда.

Ишонч билан айта оламанки, Марказий Осиёга нисбатан олиб борилаётган сиёсат Европа Иттифоқининг умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсатининг тўлақонли таркибий қисмига айланди ва минтақа давлатлари, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор вазифа ҳисобланади.

Марказий Осиё давлатлари асрлар давомида Европа ва Осиёни боғловчи кўприк бўлиб келган. Бу минтақа икки қитъанинг стратегик муҳим чорраҳасида жойлашган. Бой анъаналар ва кўп асрлик ўзаро алмашинув тарихига эга Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё цивилизациялар ўртасидаги мулоқотга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

Стратегик, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, шунингдек, Марказий Осиёдаги минтақалараро долзарб масалалар ЕИ манфаатларига ҳам дахлдордир.

Шарль Мишель Ўзбекистоннинг савдо тўсиқларини бартараф этиш ташаббусини, шунингдек, республиканинг Жаҳон савдо ташкилотига тезроқ аъзо бўлишини қўллаб-қувватлайди. Бу йўналишдаги биринчи қадам аллақачон қўйилган: Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни бошқариш ва инсон ҳуқуқлари каби соҳаларда ўз мажбуриятларини бажаришдаги ютуқларининг эътирофи сифатида "GSP+" имтиёзли савдо тизимидан фойдаланиш имкониятини тақдим этди.

Менимча, дунё мисли кўрилмаган сиёсий ва иқтисодий муаммоларга дуч келаётган бугунги кунда Ўзбекистон ва ЕИ ҳамкорлигининг устувор йўналишларини бизнес тузилмалар ўртасида янги алоқаларни ўрнатиш, сармоявий, савдо ва логистика фаолиятини фаоллаштириш ташкил қилиши керак. Шу билан бирга, бу ҳамкорлик иқтисодий масалалар доирасидан чиқиб, таълим, соғлиқни сақлаш, иқлим, рақамли ва "яшил технология"лар соҳаларини қамраб олиши шарт. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро майдонларда мунтазам гапириб келмоқда.

Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Тошкентга ташрифи муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг бугунги очиқ сиёсати Европа Иттифоқи билан алоқаларни фаол ривожлантириш имконини бермоқда.

Бугун Ўзбекистон амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли изчил ўзгариб бораётганини кўриб турибмиз. У қўшнилар ўртасидаги кўприкларни тиклади, Марказий Осиёдаги етакчилик мавқеини мустаҳкамлади, минтақанинг барча давлатларини сиёсий ва савдо-иқтисодий яқинлаштириш ташаббусини илгари сурмоқда.

Ишонаманки, ЕИ етакчиси Шарль Мишелнинг Тошкентга ташрифи Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги фаол ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб беради.

**Ким Санг ЧХОЛЬ,**
**Ханкук чет тиллар университети Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори, фалсафа фанлари доктори (Жанубий Корея):**



— Ўзбекистон сўнгги йилларда бутун дунёга прагматик давлатнинг янги қиёфасини намойиш этмоқда, ҳамкорлар ва халқаро ташкилотлар билан бугунги куннинг долзарб масалалари бўйича ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шаклларда фаол мулоқот олиб бормоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти яхши қўшничилик ва минтақавий шериклик кун тартибини илгари суришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу нуқтаи назардан, давлат раҳбарининг қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари туфайли янги ижобий динамика касб этган Марказий Осиё минтақасида интеграция жараёнларини ривожлантиришдаги ролини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугун биз дунёда мураккаб геосиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Кўламидан қатъи назар, ҳар қандай минтақада ёки алоҳида бир мамлакатда беқарор вазиятнинг пайдо бўлиши бутун жаҳон ҳамжамиятининг манфаатларига дахлдор бўлган муаммонинг юзага келиш хавфини туғдириши мумкин.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти томонидан Марказий Осиё минтақаси ва ЕИ давлатлари ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, ҳукуматлар Бош вазир ўринбосарлари даражасида "ЕИ — Марказий Осиё" иқтисодий ҳамкорлик қўмитасини ташкил этиш, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича амалий қадамлар ва чора-тадбирларни ўз ичига оладиган қўшма "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш бўйича илгари сурилган муҳим таклиф ва ташаббуслар эътирофга лойиқдир.

Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Тошкентга ташрифи чоғида Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар ва иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишга кўмаклашиш, инновациялар, "яшил иқтисодиёт", рақамлаштириш ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш бўйича эришилган келишувлар ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганининг ифодасидир.

**Ирфон ШАҲЗОД,**
**Евроосиё асри институти директори (Покистон):**



— Марказий Осиёдаги сўнгги воқеалар ушбу минтақанинг халқаро нуфузи юксалиб бораётганидан далолат берди. Остона саммити, шунингдек, Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Ўзбекистонга ташрифи фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёнинг Жанубий Осиё, Осиё — Тинч океани ва Европа мамлакатлари билан яқинлашиши ва интеграциялашувидаги муҳим ролини қайд этиш ўринлидир.

Президент Шавкат Мирзиёев Остонадаги нутқида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича жуда муҳим таклифларни билдирди.

Ўзбекистон раҳбарининг Европа Иттифоқи бозорларига чиқиш учун транспорт-логистика йўлакларини яратиш, қўшма маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, Марказий Осиё мамлакатлари товарлари Европа истеъмолчилари томонидан тан олиниши ва талабга эга бўлиши учун мақсадли тадбирлар ўтказиш, ҳукумат даражасида "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" иқтисодий ҳамкорлик қўмитасини ташкил этиш бўйича ташаббусларини алоҳида таъкидламоқчиман.

Покистон учун Европа Иттифоқи асосий савдо-иқтисодий шерик бўлиб, Остонадаги саммитда Ўзбекистон томонидан билдирилган таклифлар мамлакатимиз учун ҳам эътиборга молик.

Хусусан, Ўзбекистон раҳбарининг Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ташаббусини амалга ошириш шароитида Афғонистон орқали Европа йўналишида транспорт-логистика коридорини барпо этиш Покистон учун ҳам савдо-иқтисодий соҳада катта имкониятлар очади.

**Намиқ АЛИЕВ,**
**Озарбайжон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат кафедраси мудири:**



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев "Марказий Осиё — ЕИ" форумида ўта долзарб таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Уларнинг барчаси Марказий Осиё мамлакатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг энг муҳим ва истиқболли йўналишларини қамраб олган.

Бош вазир ўринбосарлари даражасида "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" иқтисодий ҳамкорлик қўмитасининг ташкил этилиши, мазкур тузилма зиммасига иқтисодий шерикликнинг умумий масалаларидан ташқари икки минтақа давлатлари ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш бўйича узоқ муддатли стратегик дастурни ишлаб чиқиш топширилишини назарда тутади.

Жорий йилнинг ёзида Чўлпонотада (Қирғизистон) Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида қабул қилинган "Яшил кун тартиби" минтақавий дастурига Европа Иттифоқини жалб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришда катта салоҳият мавжуд. Марказий Осиё минтақаси тарихи ва қадимий обидалардан тортиб, табиатининг жозибадор хусусиятлари ҳамда миллий таомлари билан ўзига хос туризм йўналиши ҳисобланади. Париждаги Араб дунёси институтида 22 ноябрь куни ўтказилиши режалаштирилган XIX аср ўрталари ва XX аср бошларига оид Ўзбекистон халқ ва амалий санъати кўргазмасининг очилиши ҳамда Ўзбекистон томонининг Хивада "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" биринчи сайёҳлик форумини ўтказиш таклифи, умид қиламизки, минтақада туризмни янада ривожлантиришда муҳим қадамлар бўлади.

Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Тошкентга ташрифи мазкур ташаббусларни амалга ошириш учун яхши имкониятлар очмоқда.

**Ежи ШУКАЛЬСКИЙ,**
**Табиий ва гуманитар фанлар университети профессори (Польша):**



— Пандемияга қарамасдан, 2022 йилда Марказий Осиёнинг етакчи давлатлари — Ўзбекистон ва Қозоғистон халқаро дипломатия марказларига айланди. Ушбу мамлакатлар халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасида мазмунли музокаралар ўтказиш учун доимий майдонча ва платформалар тақдим этмоқда.

Остонада бўлиб ўтган "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити натижаларини муваффақиятли ва тарихий, деб аташ мумкин.

Брюссель айнан Ўзбекистон ва Қозоғистонни ижтимоий-иқтисодий ва демографик салоҳиятидан келиб чиқиб, Марказий Осиёдаги асосий ва ишончли ҳамкорлар деб билади.

Шу билан бирга, Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Ўзбекистон — Европа музокараларини олий даражада ўтказиш, икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг кенг кўламли масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Тошкентга амалга оширган расмий ташрифи ва эришилган келишувлар Остона саммитининг мантиқий давоми бўлди.

Европа Иттифоқининг юқори мартабали мулозимининг Ўзбекистонга сафари Тошкентнинг Брюссель учун нақадар муҳим ҳамкор эканини тасдиқлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Европа муносабатлари ўз ривожланиш тарихидаги энг юқори поғонага чиққан. Европа Иттифоқи Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда қатор ўн йилликлар давомида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари, жумладан, Польша билан товар айирбошлаш ҳажми республикага "GSP+" имтиёзли савдо тизимининг бенефициар мақоми берилганидан кейин фаол ўсиб бормоқда. Польша икки йилдан буён Ўзбекистондан импорт қилиш бўйича Европа Иттифоқи давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Янги Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар стратегияси давом этар экан, Европа Иттифоқи Тошкент билан амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашаверади, деб ҳисоблайман. Шу боис Брюссель Ўзбекистоннинг жорий йил ноябрь ойида Самарқандда ўзаро боғлиқлик бўйича вазирларнинг қўшма конференциясини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

**«Дунё» АА.**

# ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

*МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси кузги сессияси доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси юртимизга ташриф буюрган бир қатор мамлакатлар делегациялари билан учрашувлар ўтказди. Бу мулоқотларда мамлакатлар, хусусан, уларнинг парламентлари ўртасида алоқаларни янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.*

## Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилади

Ўзбекистон Республикаси Сенати Раиси Т. Норбоеванинг Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси М. Ашимбаев бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, Ўзбекистон — Қозоғистон ўзаро манфаатли муносабатлари, шунингдек, бутун Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлаш масалалари чуқур муҳокама қилинди. Айни чоғда минтақа раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларни сифатли амалга ошириш учун иқтисодиёт, туризм ва қонун ижодкорлиги масалалари бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш орқали парламентлараро мулоқотни фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишончли алоқалар юқори суръатда ривожланаётгани, минтақалараро ҳамкорлик форумларининг мунтазам ўтказиб келинаётгани бунга ёрқин мисол бўла олиши ҳам қайд этилди.

Хусусан, Т. Норбоева таъкидлаганидек, бундай шароитда икки томонлама ва кўп қиррали парламентлараро алоқалар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Шу муносабат билан Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати бундан буён ҳам Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати билан шерикликни мустаҳкамлаш учун барча саъй-ҳаракатни амалга оширади ва ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларнинг мавжуд салоҳиятидан имкон қадар унумли фойдаланади.

Ўз навбатида, учрашувда М. Ашимбаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати ўртасидаги ҳамкорлик бўйича комиссия мажлислари фаолияти самарадорлигини ошириш кераклигини ва бу эса Марказий Осиё минтақасидаги ўзаро шерикликнинг янги шаклларини ишга солиш имконини беришини қайд этди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар келгуси йили Тошкент шаҳрида Қозоғистон аёл ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес форуми ўтказиш, шунингдек, транспорт, соғлиқни сақлаш ва минтақавий туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, "Бир тур — бутун минтақа" қўшма дастурини амалда рўёбга чиқариш доирасида янги йўналишларни ишлаб чиқиш орқали ривожлантириш чораларини кўриш бўйича келишувга эришди.

## «Ўзбекистон — иқтисодий жиҳатдан жадал тараққий этаётган ноёб мамлакат»

Ўзбекистон Республикаси Сенати Раиси Т. Норбоева Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Кенгаши Раиси Н. Кочанова бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Учрашувда томонлар давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган очиқ, ишончга таянган мулоқоти туфайли иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатлар юқори суръатда ривожланаётганини эътироф этдилар.

Жумладан, Т. Норбоева Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигининг барча устувор йўналишида, жумладан, иқтисодий соҳани ривожлантиришда икки мамлакат парламентлари алоҳида ўрин тутишини билдирди.

Ўз навбатида, Н. Кочанова "Ўзбекистон сўнгги йилларда муболағасиз барча соҳада, аввало, иқтисодий жиҳатдан жадал тараққий этаётган ноёб мамлакат" эканлигини урғулади. Қолаверса, у икки томонлама алоқалардаги маданий-гуманитар, айниқса, таълим йўналишини ва ҳар икки давлат ёшлар парламентлари ўртасидаги яқин ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Учрашув якуни бўйича парламентлар ўртасида ҳамкорлик юзасидан "Йўл харитаси"ни имзолаш, икки томонлама бизнес форумларини ўтказиш учун делегациялар таркибига ишбилармон аёллар вакилларини киритиб, ўзаро ташрифларни ташкил этиш бўйича шерикликни фаоллаштириш юзасидан келишувга эришилди.

## Ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева ва Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли Раиси М. Зокирзода ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Унда давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва қўллаб-қувватлаши туфайли сўнгги 5 йилда қардош Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ўртасида дўстлик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамлангани таъкидланди.

Хусусан, Олий Мажлис Сенати Раиси таъкидлаганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги олий даражадаги очиқ, ишончли ва амалий мулоқот барча муҳим йўналишларда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини мисли кўрилмаган даражада фаоллаштиришга ва икки томонлама алоқаларни иттифоқчилик даражасига кўтаришга хизмат қилди. Очиқ ва ишончли парламентлараро алоқа йўлга қўйилди. Ўзбекистон Олий Мажлисининг Тожикистон Мажлиси Оли билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ тузилди.

Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасидаги мулоқотни фаоллаштириш ва қонун ижодкорлигининг турли жиҳатлари бўйича ўзаро тажриба алмашишни давом эттириш зарурлигини қайд этди.

Мулоқот якунида томонлар олий даражадаги келишувларни амалда рўёбга чиқариш, шунингдек, иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда қабул қилинган тегишли "йўл хариталари" ҳамда парламент эътиборини талаб қиладиган қатор қўшма лойиҳалар бўйича келгусидаги вазифаларни белгилаб олди.

## Қонун ижодкорлиги юзасидан тажриба алмашиш зарур

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева Туркманистон Миллий Генгеши Мажлиси Раиси Г. Маммедова билан учрашди.

Мулоқотда ўзбек — туркман муносабатларини ривожлантириш, МДҲ доирасида ҳамкорлик ва икки мамлакатда парламент институти ролини мустаҳкалаш масалалари муҳокама қилинди.

Г. Маммедова сессия юқори даражада ташкил этилганига тўхталиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Миллий Генгеш Мажлиси Халқ Маслаҳати Раиси Г. Бердимуҳамедов ҳамда Туркманистон Президенти С. Бердимуҳамедовнинг миннатдорлигини етказди.

Учрашув давомида томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасидаги мулоқотни фаоллаштириш ва қонун ижодкорлигининг турли жиҳатлари бўйича ўзаро тажриба алмашишни давом эттириш зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, барқарор ҳуқуқий базани яратиш ва икки томонлама муносабатларни иқтисодий мазмун билан бойитиш мақсадида дўстлик гуруҳи фаолиятини фаоллаштиришдан томонлар манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Якунда икки томонлама ва минтақавий кун тартибидаги кенг кўламли масалалар юзасидан мунтазам равишда мулоқот ва фикр алмашишни давом эттиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# САМАРҚАНДДА МДҲ ИШТИРОКЧИ ДАВЛАТЛАРИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АССАМБЛЕЯСИНИНГ 54-ЯЛПИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

⬅1 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева томонидан таъкидланганидек, кескинлик ва ноаниқлик кучайиб бораётган, ўзаро мулоқот ва ишонч мисли кўрилмаган даражада камёб бўлиб, халқаро муносабатларда ноаниқликлар кучаяётган бир шароитда айнан парламент дипломатияси давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш ва ўзаро англашувни чуқурлаштириш ҳамда кенг қамровли кун тартиби бўйича кўп томонлама муносабатларни йўлга қўйишда муҳим роль ўйнайди.

Сенат Раиси МДҲ ПА кўп форматли майдони ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорликнинг долзарб масалалари бўйича самарали ечимлар ишлаб чиқишга бундан буён ҳам ўз ҳиссасини қўшишига ишонч билдирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов МДҲ ПА Ҳамдўстлик тизимида муҳим ўрин тутиши, унда ҳар бир иштирокчи манфаатини ҳисобга олган ҳолда парламентлараро тенг ҳуқуқли мулоқот учун шароит яратилганлигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши ва Ҳукумат раҳбарлари кенгаши фаолияти билан ўзаро самарали мулоқот, МДҲнинг бошқа органлари билан ҳам ҳамкорлик таъминланмоқда.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Парламентлараро Ассамблея фаолиятини ижобий баҳолайди. Улар Ассамблеянинг аъзо мамлакатлари миллий қонунчиликларини яқинлаштириш, намунавий қонун ижодкорлигини ривожлантириш, ёшлар парламенти ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш, сайловларни кузатиш жараёнларига кўмаклашишдаги муҳим аҳамиятини эътироф этадилар, — деди Н. Исмоилов.

Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Сагиба Гафарова Парламентлараро Ассамблея Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг муҳим ва салмоқли институтларидан бири эканлигини қайд этди. Айни чоғда у Ассамблея доирасидаги саъй-ҳаракатлар икки ва кўп томонлама парламентлараро алоқаларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётганлигини айтиб ўтди.

Арманистон Миллий Мажлиси Раиси Ален Симоняннинг билдиришича, учрашув мураккаб геосиёсий жараёнлар даврида ўтмоқда. Бундай низолар, албатта, дунё учун ижобий оқибатларга олиб келмайди.




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Кенгаши Раиси Наталья Кочанова бугунги воқеликда МДҲ иштирокчи давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти бир неча баробар ортганлигини эътироф этди. Зеро, МДҲ ПА ва бошқа ҳамкор уюшмаларни янада ривожлантириш, парламент аъзоларининг биргаликдаги, мувофиқлаштирилган фаолиятини кенгайтириш бугун долзарб бўлган халқаро ва минтақавий масалаларни ҳал қилишда мақбул ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Қозоғистон Парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев Ассамблея 30 йиллик фаолияти давомида қандай натижаларга эришганини қўшимча қилди. Унинг фикрича, МДҲ ПА — кўп томонлама ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантиришнинг халқаро миқёсда тан олинган институтидир.

Туркманистон Миллий Генгеши Мажлиси Раиси Гулшат Маммедова ҳозирги замонда қонунчилик уйғунлашувини таъминлашда ҳамда қонун ижодкорлиги амалиёти бўйича ўзаро тажриба алмашишда парламентлараро алоқалар аҳамияти ортиб бораётганини қайд этди.

— Гурбангули Бердимуҳамедовнинг узоқни кўзлаб илгари сурган ташаббуслари туфайли Туркманистон парламенти фаолиятига қизиқиш ортиб бормоқда. Парламент аъзоларимиз турли тадбирларда фаол иштирок этиб, давлатлараро муносабатлар ривожига ҳисса қўшмоқда, — деди у.

Шунингдек, Марказий Америка парламенти Раиси Гильермо Даниэль Ортега Рейес видеомурожаатида ялпи мажлис барча, жумладан, ПАРЛАСЕН манфаати учун ҳам ҳамкорликнинг давоми бўлишини ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатлари парламентлари билан дўстона муносабатлар ўрнатишга доимо очиқлигини билдирди. Қолаверса, у ПАРЛАСЕН МДҲ ПА Кенгашида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун ариза берганлигини эслатди.

Ўз навбатида, МДҲ ПА Кенгаши Бош котиби Дмитрий Кобицкий 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган Ҳамдўстликда намунавий қонун ижодкорлиги режалари ҳақида батафсил маълумот берди.

* * *

Ялпи мажлис давомида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддиновга Чингиз Айтматов номидаги мукофотни бериш тўғрисида МДҲ ПА Кенгашининг қарори қабул қилинди. Олимга мукофотни Қирғиз Республикаси делегацияси раҳбари Нурланбек Шакиев топширди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Чингиз Айтматов номидаги мукофот Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши таклифи билан 2012 йил ноябрда таъсис этилган. Мазкур мукофот ҳар йили маданият, маърифат соҳасидаги хизматлари, гуманитар фанлар, адабиёт ва санъат ривожига, маданий меросни ўрганиш ва асраб-авайлаш, маданиятлар, миллатлар-элатларни яқинлаштириш ҳамда тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга, давлатлар ўртасидаги маънавий алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун берилади.

* * *

МДҲ иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг 54-ялпи мажлиси якуни бўйича делегациялар раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди.

**«Халқ сўзи».**

**Учрашув**

# ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ БАРДАВОМ

*Самарқанд шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Парламентлараро Ассамблеясининг кузги сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли раиси Маҳмадтоир Зокирзода билан учрашди.*

Кейинги йилларда икки давлат Президентларининг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги мустаҳкамланди. Бу, ўз навбатида, парламентлараро ҳамкорликни янада жонлантиришга туртки бўлмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг интилишлари туфайли ўзаро дўстона алоқалар аниқ амалий қадамлар билан бойитилган ҳолда ривожланмоқда. Ҳамкорликнинг янги саҳифаси икки халқ манфаатлари йўлидаги янги мақсадлар ва истиқболлар билан тўлган. Очиқ, самимий мулоқотлар парламентлараро ҳамкорликни кучайтириш учун ҳам мустаҳкам пойдевор қўйди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантиришда парламентларнинг роли ва ўрнини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, бошқа соҳалардаги алоқалар кўламини тобора кенгайтириб бориш масалалари икки давлат парламент вакилларининг диққат марказида бўлди.

Томонлар Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида эришилган улкан ижобий ўзгаришлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга замин яратиб, икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтиришда парламент аъзоларининг ўзаро ҳамкорлигини янада жипслаштиришига алоҳида урғу қаратдилар.

Мулоқот очиқлик, ўзаро ишонч, англашув ва дўстона руҳда ўтди.

**«Халқ сўзи».**

**Комиссия мажлиси**

# ҲУДУДЛАРАРО ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ФАОЛЛАШМОҚДА

*Кеча Самарқандда МДҲ Парламентлараро Ассамблеясининг 54-ялпи мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати ўртасидаги ҳамкорлик бўйича Парламентлараро комиссиянинг учинчи мажлиси бўлиб ўтди.*

Мажлисда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантириш истиқболлари, жумладан, икки мамлакат Сенатлари ўртасида 2021-2022 йилларга мўлжалланган парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ("Йўл харитаси")ни амалга ошириш ҳолати ва бориши муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева қайд этганидек, бугун парламент аъзолари кўмагида икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқалар фаол ривожланмоқда ва қўшма лойиҳалар илгари сурилмоқда. Айни чоғда ўзаро ҳамкорлик механизмидан фойдаланишда парламент аъзоларини янада фаолроқ жалб қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Негаки, бундай алоқалар икки мамлакатнинг ҳудудлари ўртасидаги амалий савдо ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилиши керак. Дастлабки босқичда Нукус ва Атирау каби биродарлашган шаҳарларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Келгусида бу шаҳарлар ўзларининг ижобий тажрибаларини бошқа шаҳарлар билан бўлишиши ва уларга ўрнак бўлиши мумкин.

Шунингдек, мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳудудлараро ва трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантириш, икки мамлакат шаҳарлари ўртасидаги қардош шаҳарлар алоқаларини мустаҳкамлаш, Орол денгизи фожиаси оқибатларини бартараф этиш бўйича ўзаро шериклик масалалари кенг муҳокама қилинди.

Мажлис якунида томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати ўртасидаги ҳамкорлик бўйича комиссиянинг тўртинчи мажлисини ўтказиш тўғрисида келишувга эришди.

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ХАЛҚ ҲУЗУРИДА

*Мамлакатимиз ҳудудларида уйма-уй, хонадонма-хонадон юриб, одамлар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, уларнинг яшаш шароити, турмуш тарзидан келиб чиқиб, бевосита ўзлари билан бамаслаҳат мавжуд муаммоларни ҳал қилиш депутатлар фаолиятининг асосий мезонига айланди.*

*Шу маънода айтганда, айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, сайловчилар билан очиқ мулоқотлар ўтказмоқда, жойларда тўпланиб қолган масалаларга ижобий ечим изламоқда.*

## Депутатлар — жойларда

Халқ вакили Улуғбек Вафоевнинг жомбойлик фуқаролар билан учрашувлари ҳам қизғин мулоқотларга бой ҳолда самарали кечди.

Мулоқот давомида юртимизда сўнгги йилларда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ва давлат органларининг очиқлиги бўйича янги тизим жорий қилингани, камбағалликни қисқартириш бўйича амалий ишлар жадал олиб борилаётгани қайд этилди.

Юзма-юз учрашувлар чоғида фуқаролар амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, сўнгги йилларда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-кизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилаётган ишларни ижобий баҳолашди.

Депутат У. Вафоев, шунингдек, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган, ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган фуқаролар хонадонида бўлиб, улар билан суҳбатлашди. Яшаш шароитлари, уларни ўйлантираётган масалалар билан қизикди.

Мулоқотлар чоғида фуқаролар томонидан кўтарилган аксарият масалалар мутасаддилар билан биргаликда жойида ҳал этилди.

## Фуқаролар мурожаати эътиборсиз қолмади

Парламент қуйи палатаси депутати Дилбар Мамажонованинг аҳоли билан учрашувлари ҳам самарали кечди, кўплаб масалалар жойида ҳал этилди.

Учрашув чоғида муносиб иш топишга кўмаклашиш, йўлларни таъмирлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кредит олиш, электр, газ, ичимлик ва оқова сув масаласида мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг салмоқли қисми жойида ҳал этилган бўлса, ечими узоқ вақт талаб этадиган масалалар назоратга олинди.

Масалан, "Ямбароқ" маҳалла фуқаролар йиғини Давон кўчасида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Ж. Турсуновнинг даволаниш учун моддий ёрдам ажратиш бўйича қилган мурожаати шу ернинг ўзида ҳал этилди.

"Дамкўл" МФЙ Гулобод кўчасида яшовчи У. Юсупованинг фарзандига моддий ёрдам ажратиш масаласидаги мурожаати ҳам жойида ечим топди.

Турмушида қийинчиликка дуч келган фуқаро Г. Убайдуллаеванинг моддий ёрдам масаласидаги мурожаатига асосан унга 10 литр пахта ёғи ва 1 қоп ун олиб берилди.

"Сой бўйи" МФЙ Қуруқсой кўчасида яшовчи Д. Тошконованинг эса бандлигини таъминлаш учун тикув машинаси ҳадя қилинди.

## Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ўрганилди

Мамлакатимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида мавсумни беталафот ўтказиш мақсадида коммунал соҳага дахлдор хизматларнинг иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдулла Рўзметов ва Ботирбек Тўразода Урганч шаҳрида бўлиб, ҳудуддаги иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектларининг жорий йил куз-қиш даврига тайёргарлигини "Ҳудудгазтаъминот" АЖ ҳамда "Кўмир таъминот" МЧЖ вилоят филиалларида ўрганишдан бошлади.

Корхона масъуллари билан мулоқотларда мутасаддилар депутатларга вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар беришди.

Маълум бўлишича, бугунги кунга қадар режадаги 18,4 километрлик газ қувурларини реконструкция қилиш ва янгидан қуриш ишлари тўлиқ амалга оширилган. Истеъмолчиларнинг табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида 26 та газ созлагич мукаммал таъмирдан чиқарилди. Вилоятдаги 8 мингта газ тақсимлаш қурилмасини тафтиш қилиш ишлари ҳам якунланган.

Куз-қиш мавсумида газ пасайиши ёки электр энергиясида узилишлар бўлиши эҳтимоли юқори. Бундай пайтда газ таъминотидан узилган тармоқлар ва объектларни кўмир билан ўз вақтида таъминлаш муҳим масала. Буни эътиборга олиб, халқ ноиблари мазкур йўналишда қилинган ишлар билан ҳам танишди.

Аниқланишича, вилоят бўйича 108 минг тонна кўмир етказиб бериш режа қилинган бўлиб, шу кунга қадар 29 минг тоннага яқин кўмир ижтимоий соҳа муассасаларига режа асосида етказилган. Қолган кўмир захираси ҳам ойма-ой етказиб берилади.

Айни жараёнда депутатлар аҳоли вакиллари билан ҳам мулоқот қилиб, мавжуд муаммоларни ўрганди, аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Парламент қуйи палатаси депутатларининг ҳудудлардаги ўрганишлари, аҳоли билан мулоқот ва учрашувлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚИ

## ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Давлат хизматчиларининг иш фаолиятлари давомида, жамоатчилик вакиллари билан муносабатларда ва шахсий ҳаётларида одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этишлари аҳолининг бошқарув органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини кўтаришда муҳим ўрин тутади.*

*Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни талабларини бажариш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини уддалаш мақсадида Самарқанд вилояти ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди.*

### Нуқтаи назар



Мазкур қарор билан вилоят ҳокимлиги масъул ходимларининг касбий маданияти, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатлари, давлат хизматчиларининг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялаш ҳамда уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш борасидаги жавобгарлиги, шунингдек, ташқи кўриниш ва кийиниш одоби масалалари ҳам белгилаб берилган. Бинобарин, давлат хизматчиларининг ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг вилоят ҳокимлиги фаолиятига ҳурматини, шу жумладан, давлат хизматининг нуфузини оширишга замин яратади.

Қарорга кўра, давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятларини қонунийлик, Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, зиммасига юкланган вазифаларни тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя қилиш каби принциплар асосида амалга оширишлари шарт. Улар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини таъминлаб, давлат ва жамият манфаатларига содиқлигини намойиш этишлари, ўз вазифаларига адолатлилик, ҳалоллик ва холислик нуқтаи назаридан ёндашиши, коррупциявий ҳолатларга муросасиз бўлиши, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаслиги, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликлари лозим.

Давлат хизматчилари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиши, мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиши, фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиши талаб этилади. Ушбу одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати давлат хизматчиларини келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

Давлат хизматчилари ишдан ташқари вақтда миллий урф-одатлар, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлишлари, жамоат жойларида ўзини тутиш мезонларини унутмасликлари шарт. Шу билан бирга, улар дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатпарастлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймасликлари лозим. Давлат хизматчиларига ўз мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахслардан қимматбаҳо совғалар олиш тақиқланади.

Қарорда белгиланишича, давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилишлари, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти кенг ёритилишида уларга кўмаклашишлари керак. Аммо тайёрланган материал мазмуни давлат сиёсатига ёки ўзи хизмат қилаётган орган фаолиятига алоқадор бўлмаса, шунингдек, ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ ёки бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш, уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса, бундай матнлардан фойдаланган ҳолда оммавий баёнот беришлари мумкин эмас.

Мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида давлат хизматчилари манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслиги керак. Шундай вазият юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини хабардор қилиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар унинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбур.

Бундан ташқари, қарорда давлат хизматчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, давлат хизматчиларини ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, туҳмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш вилоят ҳокими ва тегишли ҳоким ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

Хусусан, зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар, шунингдек, ҳамкасблари томонидан йўлга қўйилган ёки содир қилишга тайёргарлик кўрилаётган ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоялаш чоралари кўрилади.

Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат вилоят ҳокимлигининг ташкилий-кадрлар гуруҳи ёки одоб-ахлоқ комиссияси, шунингдек, махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Ўз навбатида, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Айни чоғда қарорга мувофиқ, вилоят ҳокимлигининг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланди. Мазкур Низом асосида фаолият юритувчи комиссия давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини назорат қилади, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш чораларини кўради, одоб-ахлоқ мезонлари бузилиши билан боғлиқ низоларни кўриб чиқади.

Комиссия, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатларига доир мурожаатларини, давлат хизматчиларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ўрганади. Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди, таҳлиллар ва натижалар ҳақида давлат органи ва ташкилот раҳбарлари, жамоатчиликни хабардор қилади.

Қарорда давлат хизматчиларида юксак касбий маданиятни тарбиялаш, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчанлик кайфиятини қарор топтириш, уларни “ҳалоллик вакцинаси” билан “эмлаш” — онгига ҳалоллик тушунчасини сингдириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирлар ўтказиш ҳам белгилаб берилган. Шу мақсадда давлат органлари ва ташкилотларнинг инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари билан ҳамкорликда вилоят ҳокимлигида таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат намояндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийлари билан учрашувлар уюштирилади.

Давлат хизматчиларининг малакаси, иқтисодий билимлари, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, интеллектуал ва маънавий ривожланишини таъминлаш мақсадида ўқишлар ташкил этилади. Уларнинг халқаро семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирларда қатнашишлари учун шарт-шароитлар яратилади.

Вилоят ҳокими қарорида белгиланган чора-тадбирларнинг барча бўғиндаги ҳокимликлар масъул ходимлари томонидан сўзсиз ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 21-22 сентябрь кунлари вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида махсус ўқув соатлари ўтказилди.

Шу билан бирга, ҳокимликлар масъул ходимларининг билим ва кўникмалари мунтазам ошириб борилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Самарқанд филиали билан ҳамкорликда вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари аппарати ходимларининг касб кўникмаларини ошириб бориш учун малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар жалб қилинган ҳолда 20 октябрдан 9 ноябрга қадар ўқув семинарлар ўтказиш бўйича режа-жадвал тасдиқланиб, ҳар бир ҳудудда бу вазифа бажариб келинмоқда.

Ушбу тадбирларнинг тўлақонли амалга оширилиши, давлат хизматчиларининг ўз вазифаларини виждонан уддалаб, одоб-ахлоқ қоидаларига тўлиқ амал қилиши фуқароларда нафақат давлат бошқаруви органларига, балки эртанги кунга бўлган ишончни янада оширишга, давлатимизнинг барқарор тараққиётига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Беҳзод РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари.**

# ТАЪЛИМ СИФАТИ — ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА АСОСИЙ МЕЗОН

*Президентимизнинг шу йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда таълим сифатини ошириш, янги, халқаро миқёсда эътироф этилган таълим дастурларини ва педагогик технологияларни жорий қилиш ҳамда республиканинг барча ҳудудида малакали педагог кадрларни тайёрлашни самарали йўлга қўйишда дастуриламал бўлмоқда.*

### Қарор ва ижро

Қарорга мувофиқ Бухоро давлат университетининг Педагогика институти негизида Бухоро давлат педагогика институти ташкил қилиниб, 2022 — 2026 йилларда комплекс ривожлантириш дастури ва унинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди.

Институтнинг асосий мақсади — педагогик таълимни ривожлантиришда хорижий тажрибалар асосида узлуксиз таълим тизими учун малакали, жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош, соҳага илғор таълим технологияларини жорий қила оладиган, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга бўлган юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш қилиб белгиланди.

2022/2023 ўқув йилида институтда 6 та факультет, 13 та кафедра фаолияти ташкил этилиб, кундузги, кечки, сиртқи таълим шаклларида бакалавриатнинг 21 таълим йўналиши, шунингдек, магистратуранинг 11 мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Биринчи курс талабалари учун кадрлар буюртмачиларининг талаб ва эҳтиёжлари асосида танлов фанлари шакллантирилиб, 47 та ўқув режа тайёрланган.

Шунингдек, хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари ҳамда таянч олийгоҳ — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамкорлигида ўқув режалар ва ўқув дастурлари фанлар кесимида ишлаб чиқилди.

Барча ўқув режаларга халқаро баҳолаш асослари фанлари (PISA, TIMSS, PIRLS, TALIS), шунингдек, STEAM стандартларидан фойдаланиш технологиялари фанлари киритилди.

Ўқувчиларнинг креатив фикрлаши, математика, ўқиш ва табиий-илмий саводхонлигини халқаро тажрибалар ва замонавий методлар асосида баҳолашни ўрганиш ҳамда амалда қўллаш талабаларнинг келгуси фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Мазкур фан доирасида талабалар PISA, PIRLS, TIMSS ва TALIS халқаро дастурлари ҳақида кенг тушунчага эга бўлиш билан бир қаторда, мазкур халқаро тадқиқотлар доирасида ишлаб чиқилган қамров доиралари, қўлланмалар, тадқиқотнинг аввалги даврийликларида иштирок этган мамлакатлар тажрибаси ва таҳлилларини ўрганган ҳолда халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўриш, мактаб ўқувчиларининг фанлар бўйича эгаллаган билим, кўникма ва компетенцияларини халқаро талаблар асосида баҳолай олишни ўрганишади. Келажак авлоднинг бугунги кунда таълим ташкилотларида олаётган билимларини халқаро мезонлар асосида баҳолаш ва бу борада чуқур билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиш бугунги замонавий дунёнинг талабидир.

Тизимдаги ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, олий таълим билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқадорлик интеграциясини вужудга келтириш бўлди. Зеро, ҳамкорликсиз юқори малакали, замон талабидаги кадрлар тайёрлаш мумкин эмас.

Институтда талабаларнинг амалий малакалари ва педагогик тажрибасини шакллантириш мақсадида бакалавриатнинг 2 — 4-босқичида ўқиётганларга ҳафтанинг 4-куни олийгоҳда назарий билимлар олиш, 2-куни эса бевосита мактабгача таълим ташкилотлари ёки умумтаълим мактабларида амалиёт ўтиш тартиби белгиланган. Бундай ёндашув, шубҳасиз, педагогика олийгоҳларини битириб чиқаётган мутахассисларнинг назарий билимлар билан бирга, амалий кўникмага ҳам эга бўлиши ва дарсларни юқори педагогик савияда бера олишини таъминлайди.

Ўқув режада назарий ва амалий таълим нисбати 40/60 нисбатга келтирилди. Таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишлаш малакаларини узлуксиз ошириш орқали мутахассисларнинг зарурий компетенцияларини, ижодий яратувчанлик, тадқиқотчилик, мантиқий тафаккурини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Яна бир жиҳати, ўқув муассасасида таълим олаётган талабаларнинг танлаган касбига мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларининг шаклланиши учун махсус фанларни ўқитиш самарали ташкил этилган.

Институтда жорий қилинган “HEMIS” ахборот тизими таълим муассасасининг асосий фаолиятларини автоматлаштириш ҳисобига маъмурий ходимлар, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга электрон таълим хизматларини тақдим этиб келмоқда. Ахборот тизими олий таълим муассасалари билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида ахборот кўприги вазифасини ўтайди ҳамда бошқарув тизимини рақамлаштиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг педагогик таълим соҳасини чуқур ислоҳ қилиш ва сифатини тубдан ошириш, уни халқаро тажриба асосида янгидан ташкил этишга қаратилган ушбу қарори тизим учун юксак малакага эга шижоатли кадрлар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқади. Шу билан бирга, янги Ўзбекистон бунёдкори бўлмиш ёшларимизга энг илғор таълим дастурлари асосида чуқур билим олиб, келгусида мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшадиган етук мутахассислар бўлиб улғайиши учун кенг имкониятлар эшигини очади.

**Нафиса ГАЙБУЛЛАЕВА,**
**Бухоро давлат педагогика институти таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:**

**I. Кафедра мудири:**
1. Автоматлаштириш ва бошқарув;
2. Олий математика ва ахборот технологиялари;
3. Кимёвий технология;
4. Кончилик электр механикаси;
5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
6. Агрономия.

**II. Қуйидаги кафедралар учун профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистент ўринларига:**

**Кончилик иши:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин;

**Ноёб ва радиактив металлар рудаларини қазиш ва қайта ишлаш:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин;

**Кончилик электр механикаси:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин;

**Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин;

**Ўзбек ва чет тиллар:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин;

**Агрономия:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин;

**Машинасозлик технологияси:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин;

**Электр энергетикаси:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин;

**Умумий физика:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин;

**Автоматлаштириш ва бошқарув:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин;

**Ижтимоий–гуманитар фанлар:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин;

**Олий математика ва ахборот технологиялари:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин;

**Металлургия:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин , катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин;

**Иқтисодиёт ва менежмент:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин;

**Кимёвий технология:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:**

1. Ректор номига ариза;
2. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (Сўровнома);
3. Маълумотнома (Объективка);
4. Олий маълумот тўғрисидаги диплом;
5. Илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестатлар;
6. Илмий-услубий ишлар;
7. Малака ошириш тўғрисида гувоҳномалар;
8. Паспорт нусхаси.

*Изоҳ: ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.*

Манзил: Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳкўчаси, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети, ўқув-услубий бўлими.

**Мурожаат учун телефон: 79-223-57-33**

РЕКЛАМА

**BILIMGA INTILUVCHI O‘ZBEKISTON YOSHLARI DIQQATIGA!**
**BARCHA XOHLOVCHILARNI QO‘SHMA TA’LIM DASTURI BO‘YICHA O‘QISHGA TAKLIF QILAMIZ**

**CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI (O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI)**

**A.A. KULESHOV NOMIDAGI MOGILEV DAVLAT UNIVERSITETI (BELARUS RESPUBLIKASI)**

**TALABALIKKA QABULNI E’LON QILADI. 2022/2023-O‘QUV YILI UCHUN TO‘LOV-SHARTNOMA ASOSIDA QUYIDAGI MUTAXASSISLIK/YO‘NALISHLARI BO‘YICHA**

| № | SHIFR | YO‘NALISHLAR NOMI | JAMI |
|---|---|---|---|
| BAKALAVRIAT: TA’LIM SHAKLI: KUNDUZGI | | | 100 |
| 1 | 1-02 04 01//60110900 | BIOLOGIYA | 25 |
| 2 | 1-03 03 01//60110400 | DEFEKTOLOGIYA | 25 |
| 3 | 1-01 02 01//60110500 | BOSHLANG‘ICH TA’LIM | 25 |
| 4 | 1-01 03 02//60111800 | RUS TILI VA ADABIYOTI | 25 |

TA’LIM TILI — RUS TILI. TA’LIM DAVOMIYLIGI — 4 YIL (3+1) (SAKKIZ SEMESTR). HUJJATLAR 2022-YILNING 5-NOYABRIGACHA QABUL QILINADI.

**MUTAXASSISLIK BO‘YICHA MAGISTRATURA**

| № | SHIFR | MUTAXASSISLIK NOMI | JAMI |
|---|---|---|---|
| MAGISTRATURA: TA’LIM SHAKLI: KUNDUZGI | | | 15 |
| 1 | 1-08 80 02//70540101 | MATEMATIKA | 5 |
| 2 | 1-08 80 02//70510101 | BIOLOGIYA | 5 |
| 3 | 1-23 80 03//70110102 | PSIXOLOGIYA | 5 |

TA’LIM TILI — RUS TILI. TA’LIM DAVOMIYLIGI — 2 YIL (1+1). HUJJATLAR 2022-YILNING 5-NOYABRIGACHA QABUL QILINADI.

**Kirish imtihonlari ikki bosqichdan iborat: O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 6-iyuldagi 421-sonli qarori bilan tasdiqlangan nizom talablariga muvofiq qo‘shma ta’lim dasturi asosida.**
**Birinchi bosqichda — kirish imtihonlari universitet tomonidan qabul tartibiga muvofiq xorijiy universitet bilan kelishilgan holda suhbat o‘tkaziladi.**
**Ikkinchi bosqichda — universitet buyrug‘iga asosan Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi bilan kelishilgan muddatda qo‘shma ta’lim dasturi bo‘yicha o‘qitiladigan rus tilida test sinovlari o‘tkaziladi.**

**Abituriyentlar hujjatlarini onlayn tarzda topshirishi mumkin: +99890-033-16-96 (telegram mavjud) Telegram bot: @ChDPU_MDU_qabul2022. Ma’lumot uchun telefonlar: +99890-033-16-96, +99897-782-00-76. O‘quv mashg‘ulotlar qo‘shma ta’lim dasturi bo‘yicha bakalavriatda “3+1” va magistraturada “1+1” tarzida olib boriladi. Chirchiq davlat pedagogika universiteti (O‘zbekiston Respublikasi) va A.A. Kuleshov nomidagi Mogilev davlat universiteti (Belarus Respublikasi) diplomlari beriladi.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 13 882 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.30 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6